

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz | www.insonvaqonun.uz | www.insonvaqonun.adliya.uz

2017 йил 15 август • сешанба № 35 (1083)

**Адолат ҳар ишда
ҳамроҳимиз ва
дастуримиз
бўлсин!**

Хуш келибсиз!

ТУРИЗМ: кеча ва бугун



“Бизнинг куч-қудратимизга шубҳа қилсангиз, биз қурган иморатларга боқинг”

Амир Темури

МАМЛАКАТИМИЗДА туризм соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, соҳани тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар ишлаб чиқилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги “**Туризм тўғрисида**”ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 августдаги “**Сайёҳлик ташкилотлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида**”ги қарори, Президентимизнинг 2016 йил 2 декабрдаги “**Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги Фармони каби норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Туризм сўзига турли даврларда турлича таъриф берилган. Бу борада бир қатор тушунчаларни келтириш мақсадга мувофиқдир. Туризм сўзининг негизи ҳисобланган “**Tour**” сўзи лотинчадан олинган бўлиб, доиравий шакл маъносини англатади. Бу сўз ўз маъносини ўзгартирмасдан бошқа Фарб тилларига ҳам кириб келган. Масалан, французчада “**ayanish**” маъносига тўғри келувчи “**tourner**” ва “**tour**” сўзлари ҳозирги кунда ҳам ишлатилмоқда. Инглизчада эса туризм сўзи, турист сўзидан кейин 1811 йилларда юзага келган. Немисчада эса фақатгина “**auslander**” (ажнабий ёки хорижий) сўзи ишлатилар эди. 1958 йилда немис тилида алоҳида эътиборга олиниб туризмнинг эквиваленти бўлмиш “**fremdenverkehr**” ёки “**tourismus**”, турист сўзининг эквиваленти эса “**tourist**” тарзда қўлланила бошланди.

(Давоми 2-бетда.)

Адлия ёрдам берди

Тадбиркор ҳуқуқи тикланди

БУХОРО ВИЛОЯТ адлия бошқармаси томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, такрорий мурожаатларнинг олдини олиш мақсадида мурожаатлар муаллиф иштирокида жойида қўриб чиқиш юзасидан амалий чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг “Мурувват наҳот” МЧЖ раҳбари С.Тиллоев ер участкаси ажратишдаги қонунобузарлик юзасидан амалий ёрдам сўраб адлия бошқармасига мурожаат қилган. Аниқланишича, ер участкаси ажратиш бўйича ўтказилган танлов натижалари бўйича комиссиянинг баённомаси билан С.Тиллоев танлов қўлини деб топилди, у билан шартнома тузилган. С.Тиллоев томонидан ер участкасида доимий фойдаланиш ҳуқуқи учун пул маблағи тўланган ҳолатда, ҳокимлик томонидан асосиз равишда ер участкасини ажратиш ишлари амалга оширилмасдан қолдирилган. Ҳокимлик томонидан “Мурувват наҳот” МЧЖ раҳбари С.Тиллоевнинг манфаатини қўзғаб фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси судига даъво аризаси киритилди.

Суднинг ҳал қилув қарорига асосан Ўзбекистон тўра ҳокимлигига ер участкаси ажратиш мажбурияти юқлатилиб, тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Қайим ХОЛОВ,
Бухоро вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

Хизмат ҳақи ундирилди

“АДОЛАТ” адвокатлик бюроси адвокати С.Ўрунов кўрсатган юридик хизматлари учун Жондор туман молия ва Жондор туман газначилик бўлиmlари томонидан гонорар пуллари қўриб берилмаётганидан норози бўлиб вилоят адлия бошқармасига ариза билан мурожаат қилди.

Мазкур масала юзасидан бошқарма томонидан тегишли ҳужжатлар батафсил ўрганилиб, қонунобузрилиш ҳолатларига йўл қўйган масъул ходимларга нисбатан интизомий жавобгарлик масаласини қўриб чиқиш юзасидан Жондор туман молия ва Жондор туман газначилик бўлиmlари тақдиминога киритилди.

Тақдиминога асосан “Адолат” адвокатлик бюроси ҳисоб рақамига кўрсатилган юридик хизматлар учун 6 000 000 сўмга ақин пул маблағлари ўтказиб берилиб, Жондор туман молия бўлими ва Жондор туман газначилик бўлиmlари ходимларига нисбатан тегишли интизомий жазо чоралари қўлланилди.

Эргаш НЕЪМАТОВ,
Бухоро вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

ШУ СОНГА!

Тўйлар учун ФХДЁ бўлими жавоб беради

“ЭНДИ ФХДЁ бўлими мудираси фақатгина рўйхатга олиб юрмайди, бу бино ичида ҳам 200 кишига мўлжалланган тўй қиладиган жой бўлади. Тўйда неча нафар хонанда бўлади, қанча ичимлик бўлади, қанча харажат қилинади — назорат қилади. Қайси ФХДЁ бўлими, қайси ҳоким биз қабул қилган қарор бўйича тўй қилмаса, жавобгарликка тортилади”, деди Президентимиз 11 август кuni Олмалик шаҳрига ташрифи чоғида.

Шунингдек, тўйда келин-куёвга китоб ҳадя этилиши, шеърлар ўқилиши, европача, одам эшитмайдиган ҳар хил қўшиқлар эмас, балки одам тушунадиган ашулалар айтилиши зарурлигини алоҳида таъкидлади Давлатимиз раҳбари.

Миллий база: яна бир муҳим қадам

Aҳолига қулай ва тез хизмат қилади

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси

LexUZ ҳақида | Нашрлар | Маълумотномалар | Қонунчиликнинг мавзули каталоги | На русском

МАМЛАКАТИМИЗНИ ҳуқуқий демократик давлат сифатида ривожлантиришда жамиятнинг замонавий талаб ва эҳтиёжларига жавоб берадиган қонун ҳужжатларининг ягона туркумлидан тизимини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Қонун ҳужжатларининг ягона туркумлидан тизимини йўлга қўйилганлиги эса ўз навбатида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга, юридик ва жисмоний шахсларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан кенг ва самарали фойдаланишини таъминлашга ҳамда жамиятда ҳуқуқий ахборот етказиш самардорлигига хизмат қилади.

Ушбу мақсадларга эришиш учун Адлия вазирлиги томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда халқаро шартномалар матнларини қамраб олган ва кенг фойдаланиш учун Интернет тармоғида жойлаштирилган Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ва унинг ахборот-кидирув тизими “Lex.uz” яратилган.

Утган йиллар давомида қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш, нашр этишни ташкил қилиш, норматив ҳуқуқий ҳужжатлар матнларини “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси”да “Lex.uz” сайтида жойлаштириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Тадбиркорлар ва ёшларнинг ахборотга бўлган эҳтиёж ва сўровларини тўлиқ таъминлаш масаласи ўз ечимини топмаган.

Мавжуд камчиликлар мамлакатда олиб борилатган ишловларни амалга ошириш, жамиятда қонун устуворлиги ва қонунчилик тамойиллари самардорлигига салбий таъсир қилмоқда.

Шу боисдан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш, иккунчилик ва аҳолини қонун ҳужжатларининг моҳияти ва аҳамияти ҳақидаги ҳуқуқий ахборот билан таъминлашнинг сифатини ошириш, ушбу соҳадаги ишларни ташкил этишга янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш мақсадида Президентимизнинг 2017 йил 8 февралдаги “**Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги Қарори қабул қилинди.

Қарорга асосан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига 2017 йил 25 сентябрдан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манба мақоми берилиши белгиланди.

Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, уларга киритилган ўзгаришлар ва қўшимчаларни иккунчиликга ўз вақтида етказишни таъминлаш, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, шунингдек, тегишли қонун ҳужжатлари матнидан монеликис фойдаланиш имконини яратиш ва ўз таркибий, ҳудудий бўлиmlарида қонун ҳужжатлари нормаларининг бир хилда қўлланилиши устидан доимий назоратни амалга ошириш вазирлик, давлат қўмиталари, идоралар, ҳўжалик бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг муҳим вазифалари этиб белгиланди.

2017 йилнинг февралдан қўйилган тартиб ўрнатилдики, унга кўра:

— норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар имзолан-

ган кuni ахборот-таҳлилий материаллари билан бирга (норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг концепцияси баён этилган тушунтириш хати, ўзгаришлари ва қўшимчалар тушунтирилган ҳолдаги таққослаш жадвали) қўроғ ва электрон шаклда Адлия вазирлигига юборилади;

— Адлия вазирлиги бир кунлик муддатда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва тегишли ахборот-таҳлилий материалларни Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича барча давлат органлари ва ташкилотларига электрон шаклда етказилишини таъминлайди;

— давлат органлари ва ташкилотлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ахборот-таҳлилий материаллари асосида қабул қилинган қонун ҳужжатларини иккунчиликга етказиш, моҳияти ва аҳамиятини аҳолига тушунтириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлайди.

Юқоридагилар билан бир қаторда Адлия вазирлигига қўйилган қўшимча вазифа ва функциялар ҳам юқлатилди:

— норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни барча давлат органлари ва ташкилотларига ўз вақтида етказиш, уларнинг фаолиятини самарали мувофиқлаштириш, услубий раҳбарлик ва назорат қилиш;

— давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини жалб қилган ҳолда жамиятда ҳуқуқий тарғиботи ташкил этиш;

— давлат ҳокимияти ва бошқаруви янада демократлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш ва такомиллаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, суд-ҳўқуқ тизимини ривожлантириш, иккунчилик-иккунчилик ишловларни чўқурлаштириш, шунингдек, мамлакатда қонун ижодкорлиги, ҳўқуқи қўллаш, ҳўқуқни муҳофаза қилиш фаолияти соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқот-

ларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва бошқалар.

Вазирлик олдида қўйилган вазифаларни сифатли, самарали ва ўз вақтида иккунчилик таъминлаш мақсадида Адлия вазирлигининг 2017 йил 17 июлда “**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳўқуқий ахборот билан таъминлаш марказининг самарали фаолият юртишини таъминлашга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида**”ги буйруғи қабул қилинди. Унга асосан Марказнинг

янгилари тасдиқланди ва ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши таъминланди. Марказнинг тузилмаси қайта қўриб чиқилди ва фаолият олиб бораётган юрист ходимлар сонини 21 нафардан 32 нафарга оширилди.

Базадан фойдаланувчиларга қўлайлик яратиш, базада расмий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни жойлаштириш, “Lex.uz” сайтининг модернизация қилинган, янгиланган шаклини ишга тушириш учун мамлакатимизда фаолият олиб бораётган дастурий маълумотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасида танлов эълон қилинди. Танловда иштирок этган голиб ташкилот билан шартнома имзолаб, унинг олдида амалий дастурий таъминлаш тизимининг сифатли, самарали ва узлуқсиз ишлашини таъминлаш, жумладан, расмий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларини киритиш ва электрон эълон қилиш модулини яратиш, сайтининг лотин ёзувидаги ва инглиз тилидаги версияларини инобатга олган ҳолда дизайнини янгилаш, сайтининг мобил иловасини модернизациялаш, матнларни киритиш ёзувидан лотин алифбосига ўғиришнинг автоматлашган модулини яратиш, тизимда қонун ҳужжатларини кидириш механизмининг соддалаштириш каби ўчдан ортқ вазифалар қўйилди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, жондор йилнинг 15 сентябрга қадар ушбу янгиланган ва фойдаланувчилар учун қўлай бўлган сайтининг тест ҳолатида ишга тушириш назарда тутилган. Шу билан бирга, бугунги кунда Марказ ходимларининг билим ва кўникмаларини ҳамда маълумоти-ни ошириш борасида ҳам жиддий ишлар амалга оширилмоқда.

Худойёр МАМАТОВ,
Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳўқуқий ахборот билан таъминлаш маркази раҳбари

LexUZ on-line

“Dura lex, sed lex” — “Қонун қаттиққўл, лекин бу қонун”.

1. LexUZ нима?
LexUZ — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
LexUZ нинг мақсади — аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, қонунчилик ҳужжатларидан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштиришдан иборатдир.

2. LexUZ да қандай маълумотларни топиш мумкин?
LexUZ фойдаланувчилари тизимдан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни топиши мумкин.

3. LexUZ нинг бошқа тизимлардан қандай афзалликлари бор?
Ўзбекистонда ҳуқуқий-норматив ҳужжатларни тарқатувчи бир неча дастурлар мавжуд. LexUZ улардан қўйилган афзалликлари билан ажралиб туради:

Мобиллик:
LexUZ тизимдан дунёнинг исталган жойидан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун фақат компьютер (ёки бошқа ускуналар) ва Интернет тизими керак бўлади. Қўшимча ҳеч қандай дастур ўрнатиш зарур эмас.

Ишончлик:
LexUZ тизими Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тегишлидир ва бу тизимга маълумотлар фақат расмий манбалардан киритилиши таъминланади.

Қўлайлик:
Бошқа мавжуд дастурларни доимо янгиллаб бориш лозим, бу эса фойдаланувчилардан қўшимча маблағ ёки вақт талаб қилади. LexUZ тизимдан фойдаланувчи бу ҳақда бош қотиришига ҳожат йўқ.

Бепуллик:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан кенг фойдаланиш таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, 2010 йил 1 январдан бошлаб барча фойдаланувчиларнинг Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан текин фойдаланиши белгиланган.

“Инсон ва қонун” муҳбири Жамшид ҒОҒУРОВ тайёрлади.

ТУРИЗМ:

kecha va bugun



(Давоми. Бошланиши 1-бетда)


Туризмнинг тарихига назар ташлар эканмиз, тарихий адабиётларда англиялик бизнесмен Томас Кук (1808-1892) — туризм асосчиси сифатида келтирилган. У туризм даромад манбаи эканлигини амалиётда илк бор исботлади. Т.Кук 1860 йилда Лондонда ўзининг биринчи туристик корхонасини очди ва бу корхона "Thomas Cook Travel" номини олди. Техника тараққиёти оммавий туризмнинг ривожланишига катта туртки бўлди. 1830 йилда жаҳонда биринчи темир йўл Манчестер ва Ливерпуль темир йўли орқали йўловчи вақт чегараларини ўзгартириб юборди. Илгари ҳафталаб давом этган саёҳатларни эндиликда муайян ҳақ тўлаб амалга ошириш ҳар бир кишининг қўлидан келди. Темир йўллар барча мамлакатларда мисли қўрилмаган суръатларда қурила бошлади. 1833 йилда Россияда Черепановнинг биринчи паровози қурилди. 1842 йилга келиб Англияда темир йўли орқали йўловчи вақт кўрсаткичи 23 миллион кишига етди. АҚШда 1850 йилга келиб 15 миң чакирим масофада темир йўллар қуриб битказилганлиги саёҳатларнинг қўламини оширишга олиб келди.

Туризм соҳасининг аҳамиятли томони шундаки, энг аввало, мамлакатни дунёга танитишда спорт, санъат ва маданият соҳа-

лари каби муҳим ўрин эгаллайди. Турли халقلарнинг урф-одатлари, миллий қадриятлари, дўстлик ришталарини бир-бирига боғлашдаги хизматлари туфайли ушбу соҳани миллатлараро алоқа кўприги, десак муболаға бўлмайди. Юртимиздаги қадимий шаҳарларимиз тарихи, халқимизнинг маънавий-маданий қадриятларини тиклаш борасида кенг қўламли бунёдкорлик ишларининг амалга оширилаётгани туризм имкониятларини янада кенгайтирмоқда.

Дарҳақиқат, Биринчи Президентимиз ташаббуслари билан истиқлол йилларида шаҳарларимиздаги кўплаб тарихий обидалар, муқаддас қадимжолар обод қилиниб, бутунлай янги манзара кашф этди. Вилоятлардаги ҳар бир қадимий ёдгорлик, шунингдек, соҳибқирон Амир Темур давридаги бебаҳо маданий мерос билан танишиш, воҳанинг бетакрор табииётдан баҳраманд бўлиш учун ташриф буюрувчилар сони йилдан-йилга кўпайгани фикримиз исботидир. Замонавий меҳмонхоналар, дам олиш масканлари қурилиши баробарида сервис хизмати ҳам яхшилана бораётган. Хукумат қарорларига асосан ишлаб чиқилган дастур амалга оширилган, йилдан-йилга мамлакатимизга ташриф буюрувчи сайёҳлар сонининг ортиб бориши, уларга хизмат кўрсатиш ҳажми эса сезиларли даражада кўпайиши кутилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойлариди туризмни ривожлантириш,



сайёҳларга сервис хизмати кўрсатишни жаҳон талаблари даражасига етказиш мақсадида Испания, Португалия, БАА, Япония, Германия, Австрия, Голландия, Венгрия, Чехия каби бир қатор давлатлар тажрибаси амалиётга татбиқ этилаётгани таъсирчан сазовордир.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантириши таъминлаш чора-

тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида ҳам туризм соҳасига катта эътибор қаратилаётганлигини кўришимиз мумкин.

Ушбу Фармонга асосан, 2021 йил 1 январдан Ўзбекистон Республикасига 30 кундан зиёд бўлмаган муддатга сайёҳлик мақсадида келган Австралия, Австрия, Буюк Британия, Германия, Дания, Испания, Италия, Канада, Люксембург, Нидерландия, Корея Республикаси, Сингапур, Финляндия, Швейцария ва Япо-

ния фуқаролари учун виза тартибининг бекор қилинганлиги, қўшимча равишда Бельгия Қироллиги, Индонезия, ХХР (сайёҳлик гуруҳлари таркибиде), Малайзия, АҚШ, Вьетнам, Исроил, Польша, Венгрия, Португалия ва Чехиянинг 30 кундан зиёд бўлмаган муддатга сайёҳлик мақсадини тўғрисида Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрувчи 55 ёшдан ошар фуқаролари учун виза тартиби бекор қилинганлигини кўришимиз мумкин. Кўрсатиб ўтил-

ган давлатлар фуқаролари Ўзбекистонга киришда 50 АҚШ доллари миқдоридеги кириш йиғинини тўлайди. Мазкур маблағлар давлат бюджетига ўтказилади. Кириш йиғини тўланганини тасдиқловчи ҳужжат мамлакатга кириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, 2017 йил 1 январдан бошлаб барча мамлакатлар учун 30 кун муддатга бериладиган ягона сайёҳлик визасини жорий этиш бўйича тақлифлар тайёрланиши лозим. Бунда транзит, халқаро аэропортларда ва Ўзбекистон давлат чегаралари орқали ўтказиш пунктларида виза олиш тартиблари сезиларли соддалаштирилади. Шунингдек, Ўзбекистонда сайёҳлик соҳасида фаолият олиб боровчи чет эллик мутахассисларга руҳсатнома олиши уларга жисмоний шахслар даромад солиғини тўлашда имтиёзлар тақдим этган ҳолда соддалаштириш ҳам кўзда тутилган.

Булардан ташқари, визаларни расмийлаштириш ва тақдим этишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш, жумладан, виза олиш учун ҳужжатларни топшириш ва анкеталарни тўлдиришда Ўзбекистоннинг хориждаги ваколатхоналари ва Ташқи ишлар вазирлиги консуллик бошқармасига ташриф буюрмаган ҳолда он-лайн тўлди-

риш тизимидан фойдаланиш, шунингдек, 2021 йилдан бошлаб электрон виза тизимини татбиқ этиш ҳам белгиланган.

Мутасадди давлат ташкилотларига 2021 йилнинг 1 январига бўлган муддатда Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Урганчдаги халқаро аэропортларда республикага келатган ва ундан кетаётган чет эллик сайёҳлар учун паспорт ва боғжона назорати, юкларни олиш ва транспорт хизмати соддалаштирилган "яшил йўлак" божхона назорати тизимини жорий этиш бўйича зарур чораларни амалга ошириш вазифаси топширилди.

Хулоса қилиб айтганда, республикамизда туризмни шакллантириш учун бир қанча ишлар олиб боришда, бу борада туристик корхоналар ва давлат органлари туризмда узоқ муддатли дастурларни яратишда етакчи ўрин эгаллайди. Хукуматимиз томонидан қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юртимизнинг эртанги кунини унун хизмат қилиши, аҳоли бандлигини таъминлаш, бўш иш ўринларини яратиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини тақомиллаштириш аҳоли турмуш тарзини юксалтиришнинг муҳим омили сифатида хизмат қилади.

Малика ҚАЛАНДАРОВА, Тошкент шаҳар иқтисодий суди судьяси



ЮРИДИК ХИЗМАТ МИНБАРИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА

Иш ҳақлари тўлаб берилди

— 19 йилга яқин хизмат қилганман. Хизмат даври мобайнида бирон марта меҳнат таътилига чиқмаганман. Охириги йилда менга меҳнат таътили расмийлаштирилган. Лекин меҳнат таътили учун ҳисоб-китоб қилинмаган. Бугунги кунда фойдаланилмаган меҳнат таътили учун компенсация сўраганимда охириги йили меҳнат таътили расмийлаштирилган, қолгани кўйиб кетади, дейишди. Меҳнат таътили учун ҳисоб-китоб қилинмаган ва мен ўша меҳнат таътили учун расмийлаштирилган даврда ҳам ишда бўлганман, десам ҳеч ким эшитмайди. Шу тўғрисида?

Асадулло БАБАЕВ

— Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 151-моддасига мувофиқ меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллари учун пуллик компенсация тўланади.

Ходимларга иш даврида, уларнинг хоҳишига кўра, йиллик таътилни белгиланган энг оз муддатидан (ун беш иш кунидан) ортиқча қисми учун пуллик компенсация тўланиши мумкин.

Иктимой таътиллари бarcha турларидан, шунингдек, меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос бўлган ишлар учун бериладиган йиллик қўшимча таътил ҳамда оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларидаги иш учун йиллик қўшимча таътиллardan асли ҳолида фойдаланилади ва уларни пуллик компенсация билан алмаштиришга йўл қўйилмайди.

Саволга Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Юридик хизмат Бош юристи РАВШАН УМАРОВ жавоб берди.

— МЕН 2011 йил Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технология институтини (ҳозирги Бухоро муҳандислик технология институтининг Касб таълими: информатика ва ахборот технологиялари йўналишини битирганман. Ушбу диплом билан мактабда информатика фанидан дарс беришим мумкинми?

Шаҳодат АБДИЕВА

— Халқ таълими вазирининг 2015 йил 24 июндаги 191-сонли "Халқ таълими ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифларини тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруғига мувофиқ, умумий ўрта таълим муассасаси ўқитувчиси учун белгиланган малака талабларидан бири таълим бераётган фани йўналишига тўғри келувчи камда бакалавр даражасидаги олий педагогик маълумот ёки камда бакалавр даражасидаги олий маълумот ва муайян фандан дарс бериш ҳуқуқини берадиган қайта тайёрлаш курсидан ўтганлик ҳисобланади.

Саволга Халқ таълими вазирлиги юридик хизмат бошлиғи Сарвар МИРАЗИМОВ жавоб берди.

— Ўғлим Амирбек Адхамжонов Москвада ўқитганлиги сабабли, унинг контракт (Россия рублида) тўловини қандай ва қанча миқдорда ҳамда қанча муддат ичида тўлашим ҳақда, шу билан Ўзбекистон ҳудудига барча банклардан амалий ёрдам олишимиз ҳақда тўшунча берсангиз.

Акmalxon АДХАМЖОНОВ

— Президентимизнинг 2013 йил 30 январдаги "Жисмоний шахсларга хорижий валютани сотиш тартибининг янада либераллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан 2013 йил 1 февралдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг резидентлари — жисмоний шахсларга ваколатли банклар томонидан чет эл валютасини халқаро тўлов карталаридан фойдаланган ҳолда нақдсиз шаклда сотиш банкларнинг конверсион операциялар бўлимлари орқали амалга оширилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, нақдсиз кўринишдаги чет эл валютасини сотиб олиш учун ваколатли тижорат банклариди ташкил этилган конверсион операциялар бўлимларига бевосита мурожаат этишигиз мумкин.

Саволга Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бош юрисконсулти Санжар ОТАХОНОВ жавоб берди.

— МЕН бир корхонада экономист бўлиб ишлайман. Ишхонамизда штатлар сони қисқартирилляпти. Турмушимдан ажрашганман. Бир фарзандим бор. Оила тебратувчиси, яъни бокучиси ўзимман. Шунда мен ҳам қисқартиришга тушишим мумкинми?

Тозагул САИДОВА

— Меҳнат кодексининг 103-моддасига мувофиқ, технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқариши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишда қолдириш учун имтиёзли ҳуқуқ малакаси ва меҳнат унвондорлиги юқорироқ бўлган ходимларга берилади.

Малакаси ва меҳнат унвондорлиги бир хил бўлган тақдирда қуйидагиларга афзаллик берилади:

- 1) қарамоғида икки ёки ундан ортиқ киши бўлган ходимларга;
- 2) оиласида ундан бўлак мустақил иш ҳақи олувчи бўлмаган шахсларга;
- 3) мазкур корхонада кўп йиллик иш стажига эга бўлган ходимларга;
- 4) ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ва ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртраларида тегишли мутахассислик бўйича малакасини ошираётган ходимларга ва ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олий ва ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртраларини тамомлаган шахсларга ўқини тугатгандан сўнг мутахассислиги бўйича ишлаётган тақдирда икки йил мобайнида;
- 5) мазкур корхонада меҳнатда майиб бўлиб қолган ёки касб касаллигини олтирган шахсларга;
- 6) уруш ногиронлари, уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга;
- 7) атом объектларидаги фалокатлар оқибатида келиб чиққан оширилган радиация нурланиши билан боғлиқ нурланиш касаллиги ва бошқа касалликларга йўлиққан ёки шундай касалликларни бошидан кечирган шахсларга; ногиронлиги атом объектларидаги фалокатлар муносабати билан бошланганлиги аниқланган ногиронларга; ана шундай фалокатлар ва ҳалокатлар оқибатларини бартараф этиш ишлари қатнашчиларига, шунингдек мазкур зоналардан эвакуация қилинган ёки кўчирилган шахсларга ҳамда уларга тенглаштирилган бошқа шахсларга.

Саволга Қашқадарё вилояти Бандлик бош бошқармаси юридик хизмати юристи Нафиса ҲАЙИТОВА жавоб берди.

— МЕХНАТ таътилидаги ишчи ходим таътил вақтида тушунтириш хати ёзиши мумкинми?

Фарход АБДУВАХОВ

— Тушунтириш хати ходимга келгусида интизомий жазо қўлаш учун талаб қилинаётган бўлса Меҳнат кодексининг 182-моддасига мувофиқ интизомий жазо бевосита ноҳуя хатти-ҳаракат аниқлангандан кейин, аммо бу хатти-ҳаракат аниқлангандан бошлаб, ходимнинг касал ёки таътилда бўлган вақтини ҳисобга олмасдан, узоғи билан бир ой ичида қўлланилади.

Саволга Юнусобод туман Бандликга қўмаклашиш маркази етакчи юрисконсулти Надира ТАШЕВА жавоб берди.

— 2011 йилда Ермозор академик лицейининг ижтимоий-гуманитар йўналишига ўқишга кирдим ва 3-босқичнинг яримдан кейин ўқишга боролмадим. Орадан 3 йил ўтди. Ҳозир ўқишни давом эттирмакчанман. Диплом олишим керак. Бошқа коллежга ўқишимни қўйирсам бўладими? Бўлган тақдирда ўқишни нечанчи босқичдан давом эттирмаман?


Аслиддин ФАЗЛИДИНОВ

— Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўқишни қўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 13-бандига мувофиқ ўқувчиларни ўқишга қайта тиклаш учун ўқувчи воёга етмаган бўлса унинг ота-онасидан бири (ёки уларнинг ўзини босувчи шахслар) четлаштириш сабабларини кўрсатган ҳолда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси директори номига ариза бериши керак. Мазкур Низомнинг 16-бандига асосан ўқувчи олдидан ўқиган тайёрлов йўналиши тўхтатилган бўлса, унинг хоҳишига кўра турдош тайёрлов йўналишига ўқишни тиклаш мумкин.

Шунингдек ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаси белгиланган давлат таълим стандартларига мувофиқ ўқишнинг таълим дастурини бажарган, бироқ якуний давлат аттестациясида иштирок этмаган ёки ундан ўтмаган 3-босқич ўқувчилари Педагогик кенгаш қарори асосида якуний давлат аттестация комиссияси фаолият кўрсатаётган даврда 3 йил мобайнида якуний давлат аттестациясини қайта топшириш ҳуқуқига эга. 3 йил мобайнида якуний давлат аттестациясини топширмаган ўқувчилар ушбу Низомга мувофиқ 3-босқичда қайта ўқиш учун ариза бериши мумкин.

Саволга Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази бош юрисконсулти Умид АВЕЗОВ жавоб берди.

АДЛИЯ АРАЛАШГАЧ...



Пул ҳисоб рақамга қайтарилди

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Адлия вазирлиги томонидан фуқаро Т.Юсупов ва бошқаларнинг улар фаолият юритаётган корхонадан ишларини ололмаётганлигидан норози бўлиб ёзган мурожаати ўрганиб чиқилди.

Меҳнат кодексининг 154-моддасида иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар, ходимга бажарган иши учун ҳақи белгиланган меҳнат ҳақи шартларига мувофиқ ушбу кодекснинг 161-моддасида кўрсатилган муддатларда тўлаши шарт, деб 161-моддасида эса меҳнат ҳақ тўлаш муддатлари жамоа шартномаси ёки бошқа локал норматив ҳужжатда белгиланади ва ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмас, деб белгиланган.

Ўрганиш натижасида фуқаро Т.Юсупов ва бошқаларнинг иш ҳақларини тўлаб бериш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича Нукус туманлараро судига ариза киритилди. Суд томонидан фуқаро Т.Юсупов ва бошқаларнинг жами 94 490 242 сўм иш ҳақини ундириш тўғрисида суд буйруғи қабул қилиниб, аризалар тўлиқ қаноатлантирилди.

Женис ДОСЫМБЕТОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходими

Ер эгасини топди

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Адлия вазирлиги Амударё туманидаги "Сухроббек Файзуллаев" агрофирмаси раҳбари Р.Ешимбетовнинг Амударё туман ҳокимлиги томонидан унга тегишли жами 18,2 гектар ер майдонини олиб қўйилганлиги ва ушбу ер майдонини қайтариб олишда амалий ёрдам сўраб ёзган мурожаати келиб тушган.

Ўтказилган текширувлар натижасида ҳокимлик томонидан агрофирма билан тузилган ер ижара шартномаси бир томонлама бекор қилинганлиги аниқланди ва адлия органи томонидан Амударё туман

ҳокимлигига 2017 йил 2 июндаги 361-сон қарорини бекор қилиш тўғрисида тақдимнома киритилди.

Тақдимномага асосан туман ҳокимлигининг юқоридаги қарори бекор қилиниб, мансабдор шахслар интизомий жавобгарликка тортилди ва 18,2 гектар ер майдонини "Сухроббек Файзуллаев" агрофирмасининг ихтиёрига қайтариб берилди.

Замир ХОДЖАХМЕТОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходими

Моҳият

КОНСТИТУЦИЙМИЗНИНГ 63-моддасида "Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга" эканлиги белгиланган. Оиланинг шаклланиши жамият ривожига ҳам катта таъсир кўрсатади. Давлат доимий равишда оила манфаатларини барча жаҳалларда ҳимоя қилади. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов: "Биз оилани ҳаёт давомийлигини таъминлайдиган, келажак насллар тақдирига кучли таъсир кўрсатадиган тарбия маскани сифатида қабул қиламиз", деган эди. Азалий қадриятлар, миллий анъаналаримиз замирида ҳам оиланинг муқаддаслиги асосий ўрин тутди. Жамиятнинг ҳар бир вакили, аввало, оилада камол топиб, сўнг катта ҳаётга қадам қўйди. Ва уларнинг зиммасида мамлакат тақдирини, юрт тараққиёти билан боғлиқ улкан мажбурият туради. Шу боисдан уларнинг қандай оилавий муҳитда, қай йўсинда тарбия олганлиги жуда муҳим. Халқимиз орасида "Кўш уясида кўрганни қилади", деган нақл бор. Бугун биз тарбиялаётган фарзандлар вақт ўтиб эртанги ҳаётимизни бошқаради. Шу боис барча олижаноб фазилатларни биринчи олда оилада шакллантиришга эътибор қаратиш лозим.

Оила обод бўлса, жамият мустақкамдир



Мустақиллик йилларида мамлакатимизда оиланинг жамият тараққиётидаги аҳамиятини оширишга қаратилган кўпгина ишлар амалга оширилди. Оиланинг ҳуқуқий асосларини тақвиятлаштириш, ижтимоий манфаатларини таъминлаш, оила аъзоларининг саломатлигини сақлаш ва билим даражасини ошириш, кам таъминланган оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, оиланинг соғломлигини таъминлаш, ёш авлادни тарбиялашдаги ролини ошириш каби масалалар комплекс равишда қамраб олиниб, изчил, тадрижий ишловлар амалга оширилди. Оила мустақамлигини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг энг муҳим мақсади оилавий муносабатларни ўзаро муқаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжиҳатлик асосида қуриш, оила аъзолари ўз ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишини ҳамда бу ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборатдир.

Сир эмас, бугун кўпгина ёш оилаларнинг акралиб кетётганига ўзаро ҳурмат ва қадр-қиммат тушуночасининг камийиб кетётгани ҳам маълум маънода сабаб бўлмоқда. Бу ўринда тегишли давлат ва жамоат идоралари зиммасида эса имкон қадар оилани сақлаб қолиш вазифаси юклатилди. Айни дамда мамлакатимизда жиноят сулдарни ҳудди шундай принцип асосида иш олиб бориб, натижада қўллаб оилаларнинг ярашиб кетишини таъминламоқда. Ўзаро келиб чиққан жанжал ёки бир-бирини нисбатан ўта ҳурматсизлик муносабати тўғрисидаги акралиб келиш талаб қилган ёшларга агарда қонуний тартибда ажралиш иши бошланса унда уларнинг ҳар бирига нисбатан жарималар ва тегишли моддалар билан жазо турлари қўлланиши мумкинлиги ҳақида тушунтиришлар берилмоқда. Жарима тўлаш ва судлаш ёришдан кўра оилавий муносабатларни тиклашга уришиш, табиийки, ёшлар учун маъқул йўлдир. Бундай тадбирлар бўлиши арафасида турган қанчадан-қанча оилаларни

вий ҳаёти ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эга, дейилади. Испания конституциясида давлат ҳокимияти оиланинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлайди, дейилган бўлса, Германияда никоҳ ва оила алоҳида ҳимояда эканлиги акс этган. Италия конституциясида асосан республика никоҳга асосланган табиий иттифоқ сифатида оила ҳуқуқини тан олади.

Мамлакатимизда эса бу муносабатлар Конституцияимизнинг алоҳида бобида қайд этилган. Шу билан бирга оила кодексида ота-онанинг фарзандлари олдидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларидан ташқари вояга етган фарзандларнинг ҳам ота-она олдидаги мажбурияти алоҳида кўрсатиб ўтилган. Фарзанднинг ота-онага нисбатан белгиланган бурч ва мажбуриятлари қонунчилигимизнинг ўзига хослигидан далолат беради.

Ирландия конституциясининг 41-моддасига кўра, давлат оилани жамиятнинг табиий биринчи манбаи ва уни бирлаштирувчи асос, шунингдек, ахлоқий институт сифатида тан олади. Португалия конституциясида эса оила қуриш ва тўлиқ тенглик шартларида никоҳга киришиш ҳуқуқидан барча фойдаланиши белгиланган. Словакия конституциясининг 41-моддаси, Чехия конституциясининг 32-моддасига кўра, никоҳ, оналик, оталик ва оила қонун ҳимоясига олинган. Хорватия конституциясида асосан эса оила республиканинг алоҳида ҳимоясидадир.

Никоҳ ва никоҳдан, никоҳдан ташқари иттифоқдаги ва оиладаги ҳуқуқий муносабатлар ҳамма қонун билан тартибга солинади. Польша Конституциясининг 18-моддасида никоҳ аёл ва эркекнинг иттифоқи сифатида, оила, оналик ва ота-оналик Польша Республикасининг ҳимояси ва ҳимойлигидадир, дейилган бўлса, 71-моддасида давлат ўзининг ижтимоий ва иқтисодий сифатида оила фаворонлигини ҳисобга олади, дейилган. Бошқа давлатлар асосий қонунларида келтирилган нормаларни ўзимизнинг Конституцияимиз билан қиёбалаш шундай ҳулосага келиш мумкинки, фақат мамлакатимиздагина оила жамият ва давлат муҳофазасида эканлиги белгиланган, бошқа давлатлар қонунчилигида эса давлат ҳимоясида ёки жамият муҳофазасида, дейилади.

Фақат бизда етим болаларни ва ота-оналарнинг вазийлигиндан маҳрум бўлган болаларни боқиб, тарбиялаш ҳамда ўқитишни таъминлаш, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантириш нафақат давлатнинг, балки жамиятнинг ҳам вазифаси сифатида белгиланган. Фақат биздагина вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида гамхўрлиги қилишга мажбурийдир, деб белгиланган. Кўпгина давлатлар қонунчилигида эса ота-онанинг фарзанди олдидаги бурчларини санаб ўтилди. Мамлакатимиз Асосий қонунда жамиятнинг табиий ва асосий бўғини бўлиши оиланинг жамият тараққиётидаги аҳамиятини ошириш, унинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш масалаларини комплекс равишда қамраб олинган. Оилага бағишланган конституциявий нормалар миллий анъаналар ва қадриятларимиз ҳамда жондор ўзини оқлаган энг ижобий тажрибаларни уйдўлатишга бўлиб, ўзига хос "Ўзбек модели"ни шакллантирган.

Гулчехра ТўЛГАНОВА, Тошкент давлат юридик университетини профессори

"MAGNA CHARTA LIBERTATUM"

ёхуд эркинликнинг буюк хартияси хусусида

ХАММАМИЗ футбол ватани, миллионлар ўйини кашф этилган жой Англия давлати эканлигини тарихдан яхши биламиз. Шу билан бирга, бу мамлакатнинг ҳуқуқий ривожлаш тарихига назар солиш, ушбу мамлакат ўз даврида инсон ҳуқуқлари бўйича жаҳон давлатлари ҳуқуқий қилган қонунлар ташаббускорлиги сифатида ҳам алоҳида ўрин тутишини айтишимиз лозим. Мисол учун, 1628 йилдаги Хуқуқлар петицияси ёки 1679 йилда қабул қилинган Хабеас корпус акти бевосита инсон ҳуқуқларига алоқадор муҳим ҳужжатлар ҳисобланади.

Бошқача айтганда, бугун инсон ҳуқуқлари оид янги авлод Конституциялари ва қонунларида ёки халқаро ҳуқуқ нормаларида мустақамланган инсон ҳуқуқлари устуворлиги таъминлиги бундан минглаб йиллар аввал қабул қилинган тарихий ҳужжатларда белгиланган. Инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик тараққиётининг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, инсон ҳуқуқлари тарихида бундай қонунлари ёки ҳужжатларни қўллаб санаб ўтиш мумкин. Лекин, энг муҳими, инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ қонунчилик тарихида бугун инсоният ҳуқуқларига дахлдор бўлган, бугун давлатлар қонунларида ўз ифодасини толган тарихий-ҳуқуқий ҳужжатлар санақлидир.

Хусусан, Хабеас корпус акти қайд этилган инсон ҳуқуқлари суд орқали ҳимоя қилишга оид нормалар давлатлар томонидан ханузгача ўз миллий қонунчилигига тадбиқ этилмоқда.

Шу маънода, ана шундай инсониятнинг дахлсиз ҳуқуқ ва эркинликларига тааллуқли тарихий ҳужжатлардан бири бундан 800 йил олдин Англияда қабул қилинган "Эркинликнинг буюк хартияси" ҳисобланади.

Ҳўш, ушбу Хартиянинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчилик иерархиясида мулк тарихий-ҳуқуқий ҳужжат сифатида эътироф этилишини моҳияти ва сабаби нимада? У суд орқали фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини устуворлиги таъминлиги амалга оширишда қандай ўрин тутган?

Аввало, шунини айтиш керакки, "Хартия" сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, "кўлема ҳужжат" маъносини англатади. Эркинликнинг буюк хартияси Англиянинг миллий давлатчилик тарихида биринчи конституциявий акт ҳисобланиб, у 1215 йилда қабул қилинган. Ушбу Хартия ўз аҳамиятига кўра бугунги кунда ҳам замонавий инглиз конституцияшунослик ҳуқуқининг бош ҳуқуқий манбаларидан бири сифатида эътироф этилади.

Хартия муқаддима ва 63 та моддани ўз ичига олган бўлиб, унда жаҳон ва давлат сиёсий-ҳуқуқий муҳитини ислоҳ қилишнинг қилдиғи

устувор йўналишлари ва таъминлиги белгиланган:

- инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолати;
- черковларнинг ҳуқуқий мақоми;
- ердан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатлари;
- ҳуқуқий тизим ва суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш;
- қироллик мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги;
- маъмурий ҳудудий бирликларнинг ҳуқуқий мақоми;
- солиқ ва мажбурий тўловларни ундириш тартиби;
- Хартия қондаларига риоя этилиши кафолати.

Бундан ташқари, Хартияда белгиланган нормаларни 3 та асосий гуруҳга бўлиб кўрсатиш мумкин. Биринчи гуруҳ аҳолининг турли қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишга, иккинчи гуруҳ жамият ва давлат бошқарувини ҳамда ўқинчи гуруҳ эса суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга қаратилган нормаларни ўз ичига олган.

Энди бевосита Хартиянинг суд-ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ нормалари ҳақида сўз юритишда бўлсак, бу борада ушбу ҳужжатнинг 39-моддасида мустақамланган нормалар алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш жоиз. Сабаби, барчамиз яхши биламизки, Хабеас корпус акти ҳақида сўз юритганимизда, авваламбор, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судлар томонидан амалга оширилиши ёки ҳеч қим суднинг ҳукми бўлмади туриб айбдор деб топилгани мумкин эмаслиги ҳақида норма, яъни айбислиқ презумпцияси принципини тилга оламиз. Лекин, эътиборли жиҳати шундаки, айбислиқ презумпцияси принципи ёки судлар томонидан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи билан боғлиқ нормалар илк бор Хабеас корпус актида эмас, балки "Эркинликнинг буюк хартияси"да кўзда тутилган эди. Жумладан, мазкур ҳужжатнинг 39-моддасида фуқароларнинг суд орқали ҳимояланган ҳуқуқи шундай норма билан кафолатланган:

"Ҳеч ким суд муҳокамасида ва қарорисиз, қонунга асосланмаган ҳолда айбдор деб топилгани, қамоққа олиниши ёки озодликдан маҳрум қилиниши, мулк ҳуқуқи чекланиши, мол-мулк мусодара қилиниши ҳамда мамлакатдан мажбурий тартибда чиқариб юборилиши мумкин эмас".

Мазкур норма билан фуқароларнинг айбислиқ презумпцияси, мулк ҳуқуқи дахлсизлиги ва бир жойдан иккинчи жойга эркин ҳаракат қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

Хартиянинг 19-моддасида низо-ларни қўриб чиқишда судловга тегишлилик қондалари белгиланган. Ушбу моддага кўра мулк ҳуқуқи бузилганлиги билан боғлиқ дэволар низо келиб чиққан жойда қўрилиши

ҳамда судьялар суд муҳомасини белгиланган график асосида жойига бориб сайёр тарзда ўтказиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, Хартиянинг 38-моддасидаги норма ҳам алоҳида аҳамиятга эга, яъни ушбу моддага мувофиқ ҳеч бир фуқаро гувоҳларнинг кўргазмасисиз ёки бошқа далиллар бўлмаган ҳолдада ўзга шахснинг оғзаки мувофиқатига асосан жавобгарликка тортилиши мумкин эмаслиги қатъий белгиланган.

Энг муҳими, бугунги кунда инсон ҳуқуқларини одил судлов асосида ҳимоя қилишга оид шўбу нормалар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳамда Ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактлар каби бир қатор халқаро ва минтақавий ҳужжатларда, давлатларнинг миллий қонунчилигида мустақамланган.

Умуман айтганда, Хартия ўз даврида давлат органлари, суд ҳокимияти фаолиятини ташкил этиш, одил судлов йўли билан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоясини таъминлаш, шахс, жамият, давлат муносабатларида қонун устуворлигига эришиш ҳамда ҳокимиятлар ўртасида бир-бирини тийиб турши ва мувозанат сақлаш таъминлиги ва нормаларини ўзидан ифода этган конституциявий ҳужжатдир.

Шу боис ҳам 2009 йилда ЮНЕСКОнинг қарори билан Эркинликнинг буюк хартияси Дунё хотираси китобига киритилган, шунинг учун ҳам бугун ҳам Дунё инсониятнинг катта ютуғи сифатида ушбу ҳужжатнинг 800 йиллигини кенг нишонлади.

Шундай қилиб, Хартия буюк тарихий-ҳуқуқий ҳужжат сифатида эътироф этилишининг моҳияти ва сабабини қуйдагиларда кўриш мумкин:

Биринчидан, Эркинликнинг буюк хартияси табиий ҳуқуқ назариясида илгари сурилган фуқароларнинг фундаментал шахсий дахлсизлик ҳуқуқи ва эркинлигини конституциявий даражада умумэтироф этган дастлабки ҳужжатлардан бири ҳисобланади;

Иккинчидан, Хартияда илк бор айбислиқ презумпцияси принципи мустақамланди;

Учинчидан, фуқароларнинг озодлигини чеклаш ёки мулк ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ва мол-мулкни инсониятнинг ҳимояси фақат ва фақат суднинг қарорига кўра қонунга асосан йўл қўйилиши мумкинлиги қатъий белгиланди;

Тўртинчидан, Хартия ҳеч қим етарли далиллар ва асосиз жавобгарликка тортилиши мумкин эмаслиги ҳақида норма орқали шахс дахлсизлиги ҳуқуқини кафолатлади.

Хусан ТУРСУНОВ, Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

Маънавиятимиз муаммолари

РУСТАМ ака Султоновнинг номи ҳоразмликлар, айниқса, Урганч шаҳри ахлига яхши таниш. Мамлакатимиз ҳаётига бошқарувнинг ҳокимлик усули илк бор кириб келган йилларда Урганч шаҳрига шу инсон раҳбарлик қилди. Бу лавозимда сидқидилдан меҳнат қилиб, катта обрў-эътибор топди, ҳавас қилса арзигулик марра ва мартабаларга эришди, энг дуосини олди. Ижод ахлига ҳурмат унинг қон-қонига сингдирган фазилат. Шу боиски, у киши ҳокимлик рутбасида ишлаган кезлар ўртада қалин ҳамкорлик ришталари пайдо бўлди. Қалам ахлининг ҳоким ҳузурига ҳафта сайин сафари одат тусига кирди. Ҳоким билан мулоқот боис бошқарувнинг мазкур янги бўғини ҳаёти, маҳкама ҳодимларининг иш мароми билан яқиндан танишишга муваффақ бўлди. Шу ўринда таъкидлаш жоиз, бир ғайритабиий манзарога ҳам дуч келдик. Ҳар гал маҳкама ҳовлиси, гоҳо ичкариси, гоҳо қабулхона, баъзи-ҳоким ҳузуридан чиқиб келаётганида уч-ратганимиз — бир кишининг ғалати хатти-ҳаракати эътиборимизни тортиди. Бу ҳол бир-икки-мас, узлуксиз такрорланаверган, ахири ажабланган кўйи ҳоким ёрдамчисидан бунинг изоҳини сўрадик: "Нахотки, танимасаларинг, ахир, бутун шаҳарга таниқли "ёзғучи" (у бу сўзни "ёзғурвчи" маъносида айтди) шу киши бўладилар-ку", дея дангал жавоб қайтарди, у. Шундан сўнг шаҳар раҳбарига юзландик, қилар иши асабларни эгавлаб, оёққа тушов солғучи бундай кимсаларни ҳузуридан ҳайдаш ўрнига, ўз эшикларини улар истиқболга ланг очиб қўйгани боисини сўраштирадик.

"Бундайларни қучоқ очиб қутиб олишга ҳамма-ша тэйерман, деди у, барчамизни хайрон қолдирган кўйи ва сўзида давом этди. — Сиз сўраётган одамга келсак, у — меннинг ақин дўстим. Дўста эса доимо дўстона муносабатда бўлишадир".

Бу сўзларидан сўнг ҳоким бувани таниёлмай қолдик. Қизик, "ёзғучи"дан ҳам дўст чиқарганими? Ахир, "ёзғучи"нинг ганимдан нима фарқи бор? Нахотки, ҳоким ҳаётнинг ушбу ҳақиқатини англа-маса, тан олмас?

Бари пироваддида равшан тортиди. Ҳоким ўз сўзининг маъноси чакди: "Сизлар "ёзғучи", деб атаётган кишилар аслида раҳбарман деган инсонга ўғит-сабоқ берувчи, тарбияловчи, хавф-хатардан огоҳ этувчи, шу йўл билан турли буюк-қазолардан асровчилардир", деди ва фикрини ургул-ларкан, ўзини билган, англаган раҳбар уларнинг ғазоби, ғарази, нафрат-эътирозини ёхуд танқидига дуч келмаслик учун, албатта, нуқсонларини, хато ва қусурларини, жонини жабборга берган ҳолда ишлашга одатланмоғи зарурлигини таъкидлади.

Ҳолотлик, поклик, тўғрисузлик каби эзгу амалларнинг ҳосияти бениҳоя улғурди. Соғлом ва беғарз танқид ҳар бир инсонни қалтир-ди ва чакки қадамлар, қонунга хилоф амаллардан доимо асраб туради, огоҳлик, хушёрлик, сезгирликка чор-лайди.

Ривоят қилинишига қадимда тили қиличдан кескир, тўқмоқдан оғир уламолар кўп ўтган. Уларнинг ҳақ сўзлари тўғривий ҳокимлар зулмага журъат этолмаган. Шундай ҳақиқатпарвар эзолардан бири имом Нававий билан подшоҳ Зоҳир Бибур ўртасида бўлиб ўтган бир мулоқот у кишининг нақадар ҳаққий эканидан далолат беради.

Зоҳир Бибур душманга қарши урғунда қўшин таъминоти учун халқдан солиқ йиғишга амр этади. Ва бир қанча уламоларни чақириб, улардан ишига фатво олади. Фақат имом Нававийгина бунга розилик



Хушомадга хушичғиз қандай...?

билдирмайди. Фатвога имзо чекмайди. Султон бундан ғазабланиб, дарҳол мажлис чақиради. Кўпчилик ҳозир бўлган йиғинда:

"Шунча дўстинг уруш учун халқдан солиқ йиғишга фатво берганида, сен нега мундоқ йўл тутмоқдасан" дея дағдаға қилади. Шунда имом ҳазратлари шижоат ва жасурлик билан: "Ҳаммага маълумки, мингта қулнинг, икки юзта жориянинг бор. Қулларнингдан ҳар бирининг остида эгарлари тиллодан қўйилган от бор. Жорияларнинг эса тилла-қумуддан ясалган тақинчоқлар билан безанган. Агар шуни иштибоб, уруш харажатларини тўлдирсан ҳам уларнинг ҳеч нарчаси камийиб қолмайди. Шундай экан, нима сабабдан халқдан солиқ йиғишга фатво беришим керак?", дея жавоб қайтаради.

Яна бир ривоятда айтилишича, Довуд Тойи одамлардан узлат қилган эди. Унга: "Нега одамларга аралашмай-сиз?", дейишиганди, "Айбларимни мендан яширадиган қавм билан нима ҳам қилардим", деб жавоб берган экан.

Иймону ихлосда танилган шундай улғу эзолар ўзларидан шубҳаланишса, нафсидан айб қидирса, айбини айтган одамдан дўст турса, айбини яширданган аралашмас? Биз-чи? Аждодларимиз қалбига го бундай эзгу фазилатларни намоён эта оламизми? Қусури-мизни юзга айтган кишини дўстлар сафига қўша оламизми, бунга журъатимиз етарлими?

Соғлом ва дўстона танқид хушомадгўйликка ҳамма қарама-қарши туралардан доимо асраб туради. Замона зайллага муносиб иш тутилган жойда ҳақ сўз, соғлом ва беғарз танқид завол топмайди. Аксинча, ютуқлар гаровига айланади, хатто, уни йўл кўрсатувчи машаълалар ҳам менгаш мумкин. Танқид мавжуд жойда хушомадгўйлик ҳам қун йўқ.

Вилоят мижёсидаги нуфузли идоралардан бирининг раҳбари шу даргоҳда узок йиллардан бўён ҳалол ва бениҳсон меҳнат қилиб келётган ҳодимлардан бирига юзланиб: "Фа-

лончини масъул лавозимга кўтаришди, келинг, унга биригилда оқ фотиха берайлик", дея мурожаат қилди. Отаҳон эндигина мансаб курсисини эгаллаган ўша мутасадди ҳузурида дуога кўп очаркан, дилида оталик меҳри, эзгу ва самимий истақлар жўш урди. Пироваддида, дуо-насиҳат охангиде, инсоннинг асл қиёфаси амал чоғи оқилади, у одамга синов тариқасида берилади, уни оқулу, донолик билан ўтагин, ўғлим, деб эзига фотиха тортиди. Орадан ҳафта-ойлар ўтди. Собик ҳодим етакчилик қилган қорхона фаолиятида муайян ўзгаришлар куз ёбди. Янги раҳбар бунинг учун "катта"лардан бир-икки бор ташаққур ҳам эшитди. Лекин мақтов-алқовларнинг қўли унга тобе бўлганлар ва сон-саломоги тобора ортаётган янги "дўст"лар, "мухлис"лар хиссасига тўри келди. Хуллас, идоранда хушомадгўй хайбарқаллачиларнинг яхшигина сафи пайдо бўлди. Раҳбарнинг боши базму жамшидлардан чикмай қолди. Бир қун киши раҳбарлик синов майдони эканлигини самимий туйғулар билан баён этган ҳодим ҳузурига ҳақ қутилмаганда ўша раҳбар кириб келди. Салом-аламқиде дарили насия қолди. Отаси тенги кишининг дилини вайрон қилган ҳолда: "Ушанда менга ғайрилик қилиб, амал қилишга синаш учун берилади, дегандингиз, қани энди айтинг, раҳбарликка номуносиб эканманми?", дея дағдаға қилди.

Афсус. Хушомадни ҳушлаган раҳбарнинг иши пироваддида бароридан келмади. Қорхона инқирозга эъ тўтди. Баъзилар бундай қисмати то бошига иш тушмагунча хайларига келтиришмайди, хаттоки, яқин дўст сифатида бу йўлдан қайтарилса жазм этган, қусури-ни юзига айтган кишини душманга дўндиришадди.

Уларга "Дўст қуйдириб, душман қуйдириб гапирди", деган халқ нақллари ҳам қор қилмайди. Бундайларга ёмони яшириб, яхшисини оширадиган "дўст"лар керак.

Элимизда тили бурро, аммо нордон, айни пайтда ҳақ сўзни айтгучи, эркин фикрловчи қўпгина қаламқашлар бор. Бир ҳамкасбимиз анча муқаддам ижод жабҳасидаги баъзи қусурларнинг ечимини бунйча ўз мулоҳазаларини очиб баён этишга журъат этди. Бу ҳолат тилғемалик домига тушиб, аллақонан сирқаси сиз кўтармас қамоқга етган мутасадди ҳодимнинг назаридан четда қолмади. Афсус. Баён этилган соғлом фикр-мулоҳаза ортида ўзига нисбатан илк дўстона туйғу зоҳирлиги, у азбаройи куюн-чаклик хисси билан юзга келгани ва башарти ошқор толган қамчилик барҳам

топса, унинг обрў-мартабаси ортишини ҳаёлига ҳам келтирмади. Оқибат шу бўлдики, муҳбир таъйиқ гирдобга тушди: ахборот олишга қарата қонунда белгиланган ҳуқуқлари поймол этилди, ижод маҳсули, кўп йиллик тажрибаси, маҳорат ва истеъдоди, эл-юрт ва давлат олдидаги хизматларини камситиш, уни кўриб-ҳўмасликка, билиб-билмасликка олиш ҳоллари рўй берди.

Бинобарин, қалам ахли зиммасига фахрли вазифа юклатилган. Яхшиликнинг тоши оғиркор, Бундан чиқди, ман-тиққа риоя этилмоғи: мақтов ижодда ҳам устувор ўринни эгалламоғи керак. Замонамиз пешқадамлари, қаҳрамонларнинг сурвати, сийратини чишиш, иши ва турмушини мадҳ этишнинг салмоғи катта. Ҳамкасбларимиз ўзларининг бу соҳадаги бурч ва мажбуриятларини яхши ўташгапти, десак муволага бўлмайди. Масаланинг бу жиҳатини назарда тутса, муҳбир, журналист, публицист ёки бадий ижод жабҳаси вакиллари: ёзувчи шойрларни ҳам хушомадгўйлар қаторига қўша оламизми? Ноурин ёхуд меъёрдан тилғемаликка ўқшаб кетадиган жура-налистик қилиш, бадий биткирлик бўлса бордир, уларни инкор этиш фикридан йироқмиз. Бироқ мақтов охангиде битилётган ақсарият материаллар ҳақиқий воқеликнинг акси, инъикоси эканлиги ва у даярли барча ҳолатларда бирон-бир илнж ёки манфаатга кўз тикмаган тарзда, ақсарият ҳолларда шу тоғнача нотаниб бўлиб келган қаҳрамонлар ҳаёти хусусида, касб-кор талаби ва тақозоларига кўра битилётгани кундай равшан. Шу боиски, юртимиздаги қўпдан-қўп ижобий ҳолатлар, қаҳрамонлик, фидойилик, шижоаткорликларнинг акси муҷассам ишодий чиқишларни хушомад намунаси эмас, дея баралла айта оламиз. Қаламқашлар ўз касб-кори че-гарасида ишлашапта, холос.

Айни пайтда, хушомаднинг хушомад-дан, танқиднинг эса танқиддан фарқи борлигини ҳам англамоқ даркор. Негаки, хушомад, танқид қаламқашлар-

дан ташқари бошқаларнинг ҳам мулки. Чинакам мақтовларга таомилла муно-сиб қилишлар ҳам бор. Таомилла ҳаққоний, ишонарли мақтовлар инсонга илҳом ва жўшқинлик бағишлайди. Бундай аснода мадҳ этилувчи шахсларнинг иши ва ҳаётиндан ўрнак олиш хисси, орзуи бошқалар қалбини ҳам забт этади. Мақтовдан ҳалоланмайди-ган, аксинча, чундан қуч оладиган са-лоҳият соҳибларини ҳам яхши била-миз. Шундайлардан бири вилоятнинг собик раҳбари, марҳум Маркс Жума-ниёзов эди. Қулларнинг бирда у биз — қаламқашларга юзланганча: "Биз мақтовнинг қулумиз, ишимиз ҳақида бир оғиз ширин сўз ёзар

Қилмиш-қидирмиш

Алданганларнинг аччиқ

қисмати


ЯҚИНДА жиноят ишлари бўйича Хо-вос туман судида Сафия Шахриеванинг жиноят иши кўриб чиқилди.

Халу исмли Туркия давлати фуқароси ўз раҳбарлигида судланувчи Сафия Шахриева ҳамда бошқа шахслардан иборат таркибда жиноий гуруҳ тузган. Бу жиноий гуруҳ чет элда фоҳишахона ташкил қилиб, аёлларни алдаб, у ерга қонунга ҳилоф равишда олиб бориб, мажбурий тарзда номаъқул ишларни қилишига мажбурлаб келган. Жумладан, Вилоят исмли аёл ва бошқалар Ўзбекистон Республикасидан қиз ва жувонларни топиб, уларни алдаб, ўзларининг ҳисобидан йўл харажатларини тўлаб, Туркия давлатига бошқа кўшни давлатлар орқали юборган.

Туркия давлатида уларни Жасур ва Феруз исмли шахслар кутиб олиб, уларнинг фуқаролик паспортларини олиб қўйиб, эрксиз ҳолатга тушириб, аёллик шаънига тўғри келмайдиган ишлар билан шуғулланишига мажбур қилишган.

Қайд этилганларга биноан, судланувчи С.Шахриева қуйидаги асосларга кўра одам савдоси жиноятини содир қилган. Жумладан, судланувчи Сафия Жиззахлик Феруза Исмоилова билан телефон орқали танишиб, унга Туркия давлатида кўп пул топиши мумкинлигини, йўл харажатларини ўзи тўлаб беришини, Ферузанинг фуқаролик паспортда чет элга чиқиш учун рухсат стикери бўлма-са-да, танишлари орқали Туркия давлатига олиб кетишини айтиб қизқирган. Шундан сўнг, Т.Солиева С.Шахриеванинг кўрсатмасига кўра йўловчи автомашинасида Ф.Исмоиловани Тошкент шаҳрида ўзини "Вилоят" деб таништирган аёлга рўпара қилган.

Жиноий режага кўра Вилоят Ф.Исмоиловани кутиб олиб, Қозоғистон Республикасига ўтказиб, уюшган гуруҳ аъзоси Бахтиёр исмли шахсга топширган. Шундан сўнг, Бахтиёр Ферузани но-



қонуний йўллар билан Қозоғистон Республикаси орқали Туркия давлатига юборган.

Феруза Туркияга борган вақтида С.Шахриева уни кутиб олиб, фуқаролик паспортини олиб қўйиб, кетган йўл харажатларини "ишлаб" қайтаришини талаб қилган ва Азиза исмли шахсга топширган.

Ф.Исмоилова Азизанинг қўлида "ишлагани"дан сўнг С.Шахриева уни Азизадан олиб, Халуга топширган ва бу аёлнинг қўлида "хизмат қилган".

Ф.Исмоилова 2015 йилнинг апрель ойларида Туркия давлатидан Қозоғистон Республикасига келиб, Бахтиёрнинг кўмағида айланма йўллар орқали Ўзбекистон Республикасига ўтган.

Бундан ташқари, тузилган жиноий режа асосида, С.Шахриева 2014 йилнинг баҳорида Жиззах шаҳрида яшовчи қизлар Турсуной Солиева, Махфуза

Алмасоваларни худди шу йўл билан Туркия давлатига олиб бориб, паспортларини олиб қўйиб ўзларини фоҳишахонага топириб юборган. М.Алмасованинг айтишича, бу ерда ундан ташқари Ўзбекистон Республикасидан бир неча ўзбек миллатига мансуб бўлган "Лайло", "Тули" ва "Надя" исмли қизлар ҳам бўлган, уларни ҳам С.Шахриеванинг ўзи турли алдов йўллари билан шу ерга олиб келган.

Сафия Шахриевага суд ҳукми ўқилди. Бироқ алданган қизлар қисмати-чи?

Бундан тегишли хулоса чиқариш, катта даромадлар ваъда қилган ноқасларга алданиб қолмаслик, оғоҳ бўлиб яшаш ҳар биримизнинг вазифамиз.

Отабек НАБИЕВ, жиноят ишлари бўйича Ховос туман суди раиси

Дўстинг дўстдай бўлса бас...

БИР киши машҳур донишманднинг ҳузурига келиб, ундан сўрабди:

— Устоз, сиздан бир нарсани билиб олмоқчи эдим. Одамнинг нечта дўсти бўлиши керак? "Юз тилланг бўлмасин, юзта дўстинг бўлсин", деган мақолни эшитиб қолдим. Лекин агар атайлаб дўст қидирадиган бўлсам, ишларим ўнгидан келишига ишонмайман.

Ахир, қаршингдаги одам аслида қанақалигини билиб бўлмайди. Бундан ташқари, у чинакам дўст бўлишга лойиқми-йўқми — буни ҳам олдиндан айтиш қийин. Унинг устига, ўзимнинг ҳам бошқаларга қай даражада дўст бўла олишим аниқ эмас...

— Саволингга жавоб бераман, тўғрироғи, жавобни ўзинг топасан, — дебди донишманд.

— Хув анави олма дарактини кўрпсанми? У дунёдаги энг баланд олма оғочларидан бири. Бориб ўша даракнинг энг учидига мевалардан менга териб кел.

Одам ўша тарафга қараб, даракнинг юксак шохларида товланиб турган олмаларни кўрибди ва:

— Лекин тақсир, дарак ҳақиқатан ҳам жуда баланд экан. Меваларни қандай қилиб уза оламан? — дебди.

— Бирорта дўстингни қақир, биргаллашиб оларсизлар, — деб йўл-йўриқ кўрсатибди донишманд.

Ҳалиги киши бир дўстини топиб келибди. Ўртоғи унинг елкасига чиқибди, лекин меваларга қўли етмабди. Орада ҳали анчагина масофа бор экан.

— Йўқ, бунақада ҳеч нарсага эришиб бўлмайди, — дебди асабийлашиб дўст изловчи.

— Нима бало, бошқа умуман дўстинг йўқми? — дебди кулиб донишманд.

Бояқиш бошқа дўстларини ҳам қақириб, анча-мунча одам йиғибди. Улар бир-бирларининг елкаларига минганча, терлаб-пишиб юқорига интилишибди... Бироқ бу жонли ҳавоза олмагача етиб бормабди, холдан тойган одамларнинг оёқлари ҳам тойибди, ҳамма ерга гурсиллаб тушибди.


Бу ишларни кузатиб турган донишманд ҳалиги кишини ёнига қақирибди ва сўрабди:

— Одамга нечта ҳақиқий дўст кераклигини тушунгандирсан?

— Ҳа, тақсир, тушундим, — дебди у лат еган елкасини уқалаганча. — Жуда кўп дўст керак экан. Кўндан куён қочиб қутулмайди. Ҳар қандай муаммони кўплашиб ҳал қилиш мумкин.

Донишманд афсус билан бош чайқади:

— Тўғри, дўстларнинг кўп бўлгани яхши. Лекин миясига нарвон олиб келиш фикри келадиган биттагина фаросатли дўстинг бўлса, ундан-да яхши.



Ўқтумир

Эътибор

ЭР ва хотин бирга ўттиз йил умр кечирди. Ўттиз йиллик ҳаёти давомида аёл ҳар кун эрталаб ширмой нон ёпар эди. Бу иш аъёндак бўлиб қолганди. Нонушта вақти аёл ширмой нонни ўртасидан кесиб, икки қисмига ҳам сарғ' суртди-да, одатдагидек ноннинг тепа қисмини эрига бераётганда бирданги тўхтаб қолди...

У йўлда: "Бирга яшаганимга ўттиз йил тўлган бу кунда, ширмой ноннинг мен яхши кўрадиган седанали, қизариб пилшан тепа қисмини ўзим ейишни хоҳлайман. Мен буни ўттиз йил мобайнида егим келди, ахир. Шу кунгача у учун намунали аёл бўлдим, ажойиб фарзандларни тарбия қилдим, қариндошларини иззат, дўстларини ҳурмат қилиб келдим. Вафодор, яхши бека бўлиб, уй

ҳўжалик ишларига қарадим, оиламиз учун қанча-қанча куч ва соғлиғимни сарф қилдим. Ҳозир эсимга келмаётган бўлса ҳам, яна кўплаб яхши ишларни қилганимнинг ҳам ейишга ҳақим бор..."

Ўз фикрини маъқуллаб, ўттиз йиллик аъёни бунга қилиб, ширмой ноннинг тепа қисмини эрига узатди. Кутилмаган ўзгаришга нисбатан эр:

— Азизим! Бугун мен учун нақадар бебаҳо совға қилдинг. Бунга қараганда, ширмой ноннинг менга севимли бўлган тепа қисмини емаганимга ҳам ўттиз йил бўлибди. Бу қисмини ҳар эрта ейишни хоҳлар эдим, лекин ширмой ноннинг ширмой ноннинг тепа қисми эрим ҳақинг бўлганиданга ва мен сenga ҳар доим яхши-сини илинганим учундир, — деб аёлга миннатдорчилик билдирди...

Аёл аслида ахшилик эгаси ким эканини тушуниб, табассум билан қалб тубидан шўқр қилибди...

Бахиллик оқибати

БИР султон икки нафар қул сотиб олди... Бирини келишган, озода, тишлари оппоқ эди. Султон янги қулнинг ёнига қақириб, суҳбатлашди...

Қул хожасининг сўровларига аниқ ва тўлиқ жавоб берди. Султон унга илтифот кўрсатиб, ҳаммомга жўнатди...

Сўнг: — Иккинчи қул ҳам ёнига келсин! — деб амр қилди. ...Бу қул жуда хунук, тишлари қоп-қора, озгидан ноҳус хид келар эди...

Султоннинг қул султоннинг кўнгли тўлмади. Лекин кўринишига қараб шошилиб ҳукм чиқармай, уларни яхшилаб синовдан ўтказишга қарор қилди...

Озгидан бадбўй хид келаятган қулга дедик: — Сен ақлли одамга ўхшайсан... Лекин олдинроқ ҳузуримга келган қул, мени сендан совутишга уринди, сен ҳақингда: "У яхши одам эмас, ўғри. Бўлмағур одамлар билан уфат ҳамда номуссиз киши..." деб айтди", — деди.

Қул: — Хожам, мен уни тўғрисида одам деб биламан. Ёлғон сўзлаганига гувоҳим ҳам йўқ. Менинг ёмон хиҳатларимни кўрган экан, у кўрган айбалирини ўзим кўра олмабман..." — деди.

Султон қанча уринмасин, қулга дўсти ҳақида ёмон гап айтиролмади...

Авалли қул ҳаммомдан қайтгач, ҳўжайинининг ҳузурига қақирди...

Султон унга: — Жуда ҳам чиройли бўлиб кетибсан. Лекин минг афсуски, нариги шеринг сен ҳақингда айтган хислатлари сенда бўлмаганда эди..." — деди.

Қул бирдан қизишди: — Султоним, у диёнатсиз мен ҳақимда нима деди...?! Султон: — У сенинг иккиюзламчиликнинг, кўринишда даво, аслида эса дард эканингни гапирди...

...Қул бу гапларни эшитгач, жаҳдан ақлини йўқотди... Қизариб-бўзариб, шерининг орқасидан озгига нима келса гапирди.

Султон: — Мен иккинчигани ҳам имтиҳон қилиб кўрдим... Билдимки, унинг озгидан ноҳус хид келса, сенинг руҳингда бадбўй хид таралар экан... Бундан кейин у сенинг хожанг, сен эса унинг қулсан. Бор, унинг хизматида бўл, деб буюрди.

Хусни, аммо ахлоқсиз одам қадрсиздир. Бир инсоннинг юзи хунук бўлиши мумкин... Лекин ахлоқи ўғзал бўлса, унинг оёқлари остидан жон таслим қил...!



БИР ота ўз фарзандига ўлимидан сўнг очиш шарти билан мерос солинган сандиқчини қолдирибди. Вақти-соти келиб ота дунёдан ўтгач ўғил сандиқчини очса, ичидан кичик бир қутича, унинг ичида бир дона игна, шам ва бир дона қил турган экан. Бу ишнинг маъносига нафақат у, ҳатто, анча-мунча кекса кишиларнинг ҳам фаросати етмабди. Шунда машҳур бир донишманд отанинг ўғилга қолдирган васиятномасининг тилсимини очибди. Бу тилсим қуйидагича эди: Ота ўз ўғлига игнадек меҳнатқаш бўлишни, ҳаётда шамдек мунаввар нур сочиб яшашни ва дунё бойлигига қилчаллик ҳам эътибор бермай умргузаронлик қилишни васият қилган.

"Инсон ва қонун" муҳбири Дилфуза ЭРГАШЕВА тайёрлади.

Мезон ИБРАТ — ЭНГ ЯХШИ ТАРБИЯ

ТАДБИРКОРЛИК деган сўз замирида орият, масъулият ва билимдонлик муштараклигини кўрсатди. Қай бир тадбиркорга қараманг, шижоатга тўлиб, масъулиятни ҳис қилиб, оила юкига елкасини тўтиб, яқинларига кўмаклашишга интилади, қолаверса, маҳалладошларига ҳам фойдаси тегади. Оилада, маҳаллада тадбиркорлик мухити яратилган бўлса, олам гулистон, фарзандларда ҳам бу кўникма шаклланиб боради. Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманидаги Дўнгарик қишлоғида яшовчи Абдурашул хожи ота Назаровнинг оиласида шундай мухит бор. Ота ўз ибрати билан фарзандларига меҳнатсеварлик туйғуларини сингдира олган инсонлардан. Оиладаги ўн нафар ўғилнинг ҳаммаси ота сабоғини олиб ўлғайган тадбиркор йигитлардир. Отадан 80 ёшдан ўтган бўлса-да, хануз тиним билмайди. Бир қарасангиз асалари уяси ёнида, бир қарасангиз ховлисидан кичик лимонзор иссиқхонасида ишлаб турган бўлади. Абдурашул отанинг иссиқхонасидаги 10 туп лимон қўчати ҳосилга кирган. — Ҳалқпарвар Президентимиз ҳар бир оилада 10 тупдан лимон парвариш қилиш тақлифини бекорга айтмади. Чунки лимон парвариши осон ва жуда даромадли иш. Шу билан бирга оила фаровонлигини таъминлайди, — дейди ота биз билан суҳбатда. 45 қути асалари уясидан ҳар йили тонналаб асал олишга ўрганиб қолган тадбиркор отахон, ўтган йили олган 600 килограмм асалга кўнгли тўлмади. Шунинг учун асалари уяси олдиндан кетмай, қутиларни очиб кўриб аниқланган камчиликларни бартараф этиш билан банд. Абдурашул отадан асаларилар парвариши ҳақида сўрадим. "Қулар исиб қолса, Зомин тоғига чиқиб кетамиз, асаларилар учун ҳам асал йиғишга қулай шароит керак", дейди ота. "Ўттиз йилдан ортиқ вақт тоққа ўзим чиқиб кетардим. Ҳозир невараларим тоғ ёнбағрида асалари парвариш қилади. Катта ўғлим "Мустақиллик сардори" фермер ҳўжалигида ишлабди, яна бири эса, ўғил набираларни ёнига олган". Бу пиру бадавлат оила бугунги кунда маҳалладаги намунали оилалардан бири ҳисобланади. Оилада бекорчининг ўзи йўқ. Қайнона назоратидаги келинлар ҳам, қизлар ҳам ўқиб, бичиш-тиқиш ва пазандачиликдан бўш пайтлари дала юмушларига ердан беришади. Буларнинг барчаси отанинг ибрати ва тарбияси мақсулдир. Зеро, ибрат энг яхши тарбиядир.

Шухрат СУЯРОВ, "Инсон ва қонун" муҳбири

ASAKA BANK advertisement. Includes logo, text: "ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР! 'Асака' банк", "2017 йил 'Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили' деб эълон қилиниши муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини тақлиф этади:", "MANFAATLI-2017" promotion details, and contact information.